

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 6-сон**



**Бош муҳаррир:** Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

**Масъул муҳаррир:** Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

**Масъул муҳаррир ўринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

### **ТАҲРИРҲАЙЪАТИ**

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хақимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

**Кимё фанлари:** акад. С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц. А.Баташов, б.ф.н.

**Техника фанлари:** - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари:** – г.ф.д., доц. Б.Камалов, к-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари:** – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари:** – и.ф.д., проф. Н.Махмудов, и.ф.д., проф. О.Одилов.

**Фалсафа фанлари:** – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари:** – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф. С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова, фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц. М.Сулаймонов.

**География фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф. А.Нигматов.

**Педагогика фанлари:** - п.ф.д., проф. У.Иноятлов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф. Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

**Тиббиёт фанлари:** – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** – п.ф.д., проф. З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник муҳаррирлар:** **Н.Юсупов, Г.Акмалжонова**

**Таҳририят манзили:** Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [iltiy@inbox.uz](mailto:iltiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.05.2021 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 6). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021**



3. L.A.Gogotishvili. Xronotop // Yangi falsafiy ensiklopediya. - M.: Mysl, 2000. - T. 4. - ISBN 5-244-00961-3
4. Isajon Sulton. Boqiy darbadar.«Sharq yulduzi» jurnali. 2010-yil, 6-son
5. Pol Smethurst. Postmodern xronotipi: zamonaviy badiiy adabiyotda vaqt va bo'shliqni o'qish. - Amsterdam: Rodopi B. V. - 2000 yil
6. [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com)
7. [gigafox.ru](http://gigafox.ru)

### **ТИЛШУНОСЛИКДА МАТН ТАЛҚИНИ**

Қозоқова Нозима Абдулбоқиевна,  
Наманган давлат университети  
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
[nozimakozakova2@gmail.com](mailto:nozimakozakova2@gmail.com)

***Аннотация.** Ушбу мақолада матн ва унинг тилшуносликдаги талқини, таҳлили масаласи ёритилади. Бугунги кунда мавжуд замонавий тилшунослик тармоқларида матнга ёндашув усуллари ҳақида маълумотлар баён қилинади.*

***Калит сўзлар:** матн, белги, семиотика, морфологик система, лексик система, коммуникатив фаолият, дискурсив фаолият, мулоқот тизими, невербал воситалар, вербал воситалар.*

### **ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ТЕКСТА В ЛИНГВИСТИКЕ**

Қозоқова Нозима Абдулбоқиевна,  
Наманганский государственный университет  
доктор философии по филологическим наукам (PhD)  
[nozimakozakova2@gmail.com](mailto:nozimakozakova2@gmail.com)

***Аннотация.** В данной статье освещается вопрос касательно текста и его анализа, а также его интерпретации в лингвистике. Предоставляется информация о подходах к тексту в современных направлениях лингвистики.*

***Ключевые слова:** текст, знак, семиотика, морфологическая система, лексическая система, коммуникативная деятельность, дискурсивная деятельность, система общения, невербальные средства, вербальные средства.*

### **INTERPRETATION OF TEXT IN LINGUISTICS**

Kozokova Nozima Abdalbokiyevna ,  
Namangan State University  
Doctor of Philosophy in Philological Sciences (PhD)  
[nozimakozakova2@gmail.com](mailto:nozimakozakova2@gmail.com)

***Annotanion.** This article examines text and the issue of its interpretation and analysis in linguistics. It also provides information on methodological approaches to text in various fields of contemporary linguistics.*

***Key words:** text, sign, semiotics, morphologic system, lexic system, communicative activity,, discourse activity, interaction system, non-verbal tools, verbal tools.*



Матн – мазмунан боғланган белги бирликлари (знаковых единиц) нинг кетма-кетлиги бўлиб, унинг асосий хусусиятлари мантиқий ва мазмуний алоқадорлик, тўлиқлик, яқунланганлик, интонацион яхлитликдан иборатдир. Фанда матнни тушунишга доир турлича қарашлар мавжуд. Улар, энг аввало, бу тушунчанинг семиотик ва тишунослик ёндашувлари орқали талқин этилиши билан боғлиқ бўлади. Семиотика нуқтаи назаридан матн бу мазмуний кетма-кетликдаги ҳар қандай белгилардир (бу сўзларда ифода этилган асар ҳам, муסיқий асар ҳам, рассомчилик намунаси ҳам, меъморий обида ҳам бўлиши ҳам мумкин); тишуносликда эса матн бу вербал белгилар кетма-кетлиги [7.25] саналади ва соҳанинг марказий тушунчаларидан сифатида ушбу фаннинг ҳар қандай аспектида лисоний бирликларнинг турли қирраларини ёритишда, муайян тилнинг ифода имкониятларини юзага чиқаришда, алоқа-аралашув жараёнида энг муҳим манбадир.

Лингвистик адабиётлардан маълумки, XX асрнинг 80-йилларидан тишуносларнинг асосий эътибори гапдан катта бирликлар масаласига қаратила бошланди. Жаҳон тишунослигида И.Гальперин [2], И.Куткина [4], О.Москальская [10], Л.Новиков[11]ларнинг, ўзбек тишунослигида Ғ.Абдурахмонов [1.93], А.Ғуломов, М.Асқарова [16.77] ларнинг илмий тадқиқотлари бу борада амалий аҳамиятга эга бўлди ва матн тишунослигининг шаклланиши ҳамда ривожланишига замин яратди. А.Мамажонов [8], Б.Ўринбоев [14], Ж.Лапасов [5], Э.Қиличев [15], М.Йўлдошев [3] ва шу каби қатор тишунослар томонидан матннинг турли қирралари таҳлилга бағишланган самарали тадқиқотлар олиб борилди. Жумладан, А.Мамажоновнинг “Текст лингвистикаси” қўлланмасида ўзбек тишунослигида илк марта матн назарияси бўйича маълумотлар берилди. Олим мазкур қўлланмада матнга бир неча хил системалар комплексидан иборат бўлган синтактик ҳодиса сифатида ёндашади. Уни ўзаро алоқадор бўлган морфологик бирликлар йиғиндисидан иборат бўлган мураккаб структура деб ҳам аташ мумкинлигини таъкидлаган ҳолда морфологик система сифатида тушунилишини, ўзида бир неча лексик бирликларни мужассамлаштирган энг йирик нутқ бирлиги сифатида эса бир бутун лексик системани шакллантиришини, шунингдек, матн бир вақтнинг ўзида синтактик система, семантик система ҳамда стилистик усуллар системаси ҳисобланиши ҳам мумкинлигини, шу жиҳатдан олганда матн систем тишуносликнинг энг мураккаб, кўп қиррали текширув объекти ҳисобланишини айтади [8.8]. Проф. А.Мамажонов матн тишунослиги борасидаги изланишларини ривожлантириб, М.Абдулаттоев билан ҳамкорликда “Матн назарияси” қўлланмасини ҳам нашр эттирди. Мазкур қўлланмада ўзбек матн тишунослигида қўлга киритилган ютуқлар, бу соҳада ёш тадқиқотчилар олдига қўйилаётган долзарб вазифалар, матн бирликлари ва уларнинг синтактик, семантик ва услубий жиҳатлари илмий асосда ёритиб берилган[9.112]. Ж.Лапасов эса матнга вазифаси жиҳатидан тугал нутқий бутунлик, мураккаб тузилиш ва мазмун мундарижасига эга бўлган оғзаки ва ёзма ижод намунаси сифатида қараб, унинг тузилиши, турлари, ўзига хос белгилари масаласини ёритади [15.88].

Мулоқот тизимини жараён сифатида антропоцентрик нуқтаи назардан таҳлил этиш долзарб саналаётган ҳозирги тишуносликда матннинг лингвистик мақоми қандай?

Сўнги йиллардаги тишуносликка оид илмий изланишларни кузатиш шуни кўрсатмоқдаки, замонавий дунё тишунослигида коммуникатив фаолият назарияси ва



унинг бирликлари тадқиқига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Замонавий тилшунослик соҳаларидан саналувчи прагмалингвистика матн ва унинг турларига, ички мазмуний тузилишига қайси методлар асосида ёндашади? Албатта, матн тилшунос учун асосий тадқиқ объектidir. Прагматик лингвистика бўйича йирик мутахассис А.Маслова тилшунослиқдаги мавжуд матн ҳақидаги фикр ва қарашларни умумлаштириб, матн – бу вербал белгиларнинг кетма-кетлиги, у маълум бир тил турига оид услубий меъёрларга асосан тил ижодкорлиги жараёнида аниқ бир асар шаклида қайд этилган ҳодиса; ўз сарлавҳасига эга, шу сарлавҳа маъноси билан узвий боғланган, ўзаро боғлиқ қисмлардан иборат бўлган, шунингдек, бир мақсадга йўналтирилган ҳамда прагматик қурилмага эга асарлар эканлигини кўрсатиб ўтади. Шунингдек, тилшунослиқда энг кўп тарқалган уч ёндашувни қайд этади. Унга кўра матн бу тил тизимининг энг юқори даражаси саналади; матн бу нутқ бирлиги, нутқ фаолияти натижаси ҳисобланади; матн бу мулоқот бирлиги сифатида нисбий маъновий тугалликка эга бўлади.[7.25]. Бу таърифларга қўшимча равишда айтиш мумкинки, матнда нафақат вербал воситалар, балки новербал воситалар ифодаси ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади. Чунки нутқий фаолиятда новербал воситалар фикрни тўлдириш, сўзловчига хос миллий ва гендер белгиларни акс эттириш каби бир қатор вазифаларни бажаради.

Профессор Ш.Сафаров ҳам матн мавзусига тўхталиб, уни дискурсив фаолият маҳсули сифатида изоҳлайди[12.279]. Демак, матн термини бутунги кунда когнитив-дискурсив фаолият натижаси бўлган, оғзаки ёки ёзма тарзда воқеланадиган, тугалланган, шаклий ва мазмуний яхлитликка эга бўлган, ўзида грамматик, семантик, стилистик, прагматик, коммуникатив, социал, маданий хусусиятларни жамлаган йирик нутқий бирликни ифода этмоқда.

Инсон фаолиятининг асосий катта қисми коммуникатив муносабатлардан иборат экан ва инсонларнинг яшаш тарзини белгилаб берар экан, алоқа-аралашувни шакллантирувчи восита вазифасини бажарувчи асосий қурол матн саналади. Коммуникация ва матн ўзаро боғланган, уларнинг бири иккинчисини тақозо этади. Қолаверса, матн нафақат нутқий алоқа бирлиги, балки, умуман, коммуникатив муносабатларнинг ҳам бирлигидир. Агар биз маълум шахснинг нутқий матнини таҳлил этсак, у энг аввало, адресант томонидан оғзаки ёки ёзма шаклда яратилгани, ҳамда адресатга етказилганини эътироф этамиз. Узатилаётган ахборот тилнинг муайян қонун-қоидалари асосида шакллангани (интралингвистика) унинг матн талабларига жавоб беришини билдиради, ахборотнинг адресант томонидан адресатга узатилишида коммуникантларнинг ўзаро муносабатлари (экстралингвистика) катта аҳамиятга молик бўлади [13.55-56].

Матн мураккаб, кўп аспектли тизим бўлганлиги учун матн яратиш жараёни ва унинг таҳлили билан бир қатор соҳа вакиллари: тилшунослар, мантиқшунослар, психоллингвистлар, кибернетиклар, педагоглар шуғулланади. Бадиий матнни таҳлил қилишнинг ўзига хос методологик тамойиллари мавжуд. Бу жараёнда шакл ва мазмун бирлиги, тарихийлик, умумийлик ва хусусийликнинг уйғунлиги, воқеликни эстетик ўзлаштириш шакли эканлиги, шарҳловчининг фаоллиги тамойилларини ҳисобга олиш лозим [13.14]. Ҳозирги кунда матн тилшунослиқда анъанавий грамматик, семантик, услубий таҳлилларга қўшимча тарзда лингвопоэтик, психоллингвистик, социоллингвистик, когнитив, лингвокультурологик, дискурсив, прагмалингвистик нуқтаи назардан таҳлил



қилинмоқда. Компьютер лингвистикаси, автоматик таржима йўналишларида ҳам матн асосий объект саналмоқда. Бу албатта, фанлар интеграциясининг натижаси, шу билан бирга, шуни айтиш мумкинки, матн таҳлиliga тилшуносликнинг замонавий йўналишлари ва тамойиллари асосида ёндашув лингвистик тадқиқотлар ҳудудини ҳар томонлама кенгайтириб, тил бирликларининг нутқий имкониятларини, ижтимоий, маданий моҳиятини, интеллектуал-когнитив, руҳий, этник хусусиятларини ёритишга хизмат қилмоқда.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдурахмонов Ғ. Теория текста. (Доклад на III Всесоюзной тюркологической конференции.) // Советская тюркология, 1981. – №1. – С. 93.
2. Гальперин И.Р. Текст как объект лингвистического исследования. – Москва: Наука, 1981.
3. Ёўлдошев М., Исақов З., Ҳайдаров Ш. Бадиий матннинг лисоний таҳлили. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010.
4. Купина И.А. Лингвистический анализ художественного текста. – Москва, 1980.
5. Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
6. Лингвистический анализ художественного текста. – Ленинград, 1990.
7. Маслова А. Введение в прагмалингвистику. – Москва: Флинта.
8. Мамажонов А. Текст лингвистикаси. – Тошкент: Низомий номли педагогика институти нашриёти, 1989.
9. Мамажонов А., Абдулаттоев М. Матн назарияси. – Фарғона, 2016.
10. Москальская О.И. Грамматика текста. – Москва, 1981.
11. Новиков Л.А. Художественный текст и его анализ. – Москва: ЛКИ, 2007.
12. Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент, 2008.
13. Саидхонов М. Паралингвизмларнинг бадиий матндаги интерпретацияси // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. – Тошкент, 2008. – Б. 55-56.
14. Ўринбоев Б., Қўнғуров Р., Лапасов Ж. Бадиий текстнинг лингвистик таҳлили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990.
15. Қиличев Э. Матннинг лингвистик таҳлили. – Бухоро, Бухоро университети, 2000.
16. Ғуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1987.



## ОБУЧЕНИЕ АНГЛИЙСКОМУ ЯЗЫКУ С ПОМОЩЬЮ ЛИТЕРАТУРЫ

Курбонова Ширин Хикматовна

Бухарский инженерно-технологический институт

Старший преподаватель английского языка

Тел:906365030 e-mail: shirinhikmatovna-66@gmail.uz

**Аннотация:** В этой статье описывается использование литературы как популярной техники для обучения как основным языковым навыкам (то есть чтению, письму, аудированию и разговорной речи), так и языковым областям (то есть словарю, грамматике и произношению) в наше время. Причины использования литературных текстов в классе иностранного языка и основные критерии выбора подходящих литературных текстов в классах иностранного языка подчеркнуты, чтобы читатель ознакомился с основными причинами и критериями использования и выбора литературными текстами учителями языка. Кроме того, литература и преподавание языковых навыков, преимущества различных жанров литературы (например, поэзия, короткометражка, драма и роман) для преподавания языка и некоторые проблемы, с которыми сталкиваются учителя языка в области преподавания английского языка через литературу (например, недостаточная подготовка в области преподавания литературы по программам TESL / TEFL, отсутствие четких целей, определяющих роль литературы в ESL / EFL, отсутствие у учителей языка опыта и подготовки в области литературы, отсутствие педагогически разработанных соответствующих материалов, которые могут быть используются учителями языка в контексте класса).

**Ключевые слова:** литература, педагогическая литература, преподавание языковых навыков, преподавание иностранного языка, литературная компетентность.

## LEARNING ENGLISH THROUGH LITERATURE

Kurbonova Shirin Hikmatovna

Bukhara engineering technological institute

Senior English teacher

Mobile phone :906365030

e-mail: shirinhikmatovna66gmail.uz

**Abstract:** This paper aims at emphasizing the use of literature as a popular technique for teaching both basic language skills (i.e. reading, writing, listening and speaking) and language areas (i.e. vocabulary, grammar and pronunciation) in our times. Reasons for using literary texts in foreign language classroom and main criteria for selecting suitable literary texts in foreign language classes are stressed so as to make the reader familiar with the underlying reasons and criteria for language teachers' using and selecting literary texts. Moreover, literature and the teaching of language skills, benefits of different genres of literature (i.e. poetry, short fiction, drama and novel) to language teaching and some problems encountered by language teachers within the area of teaching English through literature (i.e. lack of preparation in the area of literature teaching in TESL / TEFL programs, absence of clear-cut objectives defining the role of literature in ESL / EFL, language teachers' not having the background and training in literature, lack of pedagogically-designed appropriate materials that can be used by language teachers in a classroom context) are taken into account.[4.191].



10.00.00

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**  
**ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ**  
**PHILOLOGICAL SCIENCES**

48	<b>Ошибки в письменной работе студентов</b> Хамдам-зода Л .....	251
49	<b>Sinxron tarjima san'atini egallash strategiyalari</b> Abdullayeva G. G .....	257
50	<b>Индивидуальные вариации в овладении вторым языком</b> Бобокулова Г.Ш .....	263
51	<b>Эртак ва унинг тарихига бир назар</b> Имяминова Ш.С.....	267
52	<b>Comparative research of english and Uzbek toponyms</b> Ismatova N.M .....	270
53	<b>Ingliz va o'zbek lingvomadaniyatida "Happiness" va "Baxt" kontseptining ifodalanishi</b> Jumayeva O.I .....	275
54	<b>Теория множественного интеллекта и изучение языка</b> Каххорова Ш.Ш .....	279
55	<b>Tetralogiyaning tadrijiy taraqqiyoti</b> Qo'uliyeva G.N .....	283
56	<b>Инновационные методы обучения английскому языку для специальных целей</b> Мирходжаева М.И .....	287
57	<b>Oliy o'quv yurtlarida rusiyzabon talabalarga o'zbek tilini o'qitish muammolari</b> Normatova Sh.U .....	291
58	<b>Abdulla Oripovning "Haj daftari"she'riy turkumi haqida</b> Fayzullayeva O.X .....	295
59	<b>Feminist yozuvchilar asarlarida badiiy tasvir vositalarini qo'llanilishi xususida</b> Abdullayeva N .....	299
60	<b>Yetuk o'zbek adibi Isajon Sultonning "Boqiy darbadar" asari misolida tarixiy inversiya</b> Naimova A.M .....	303
61	<b>Тилшуносликда матн талқини</b> Қозоқова Н.А .....	308
62	<b>Обучение Английскому языку с помощью литературы</b> Курбонова Ш.Х .....	312
63	<b>Frazeologiyani o'rganish va inson ruhiy holatini ifodalovchi frazeologik birliklarning chog'ishtirma tahlili</b> Saidova Z.X .....	316
64	<b>Ўзбек тилида тарз ифода воситаларининг морфологик, синтактик, лексик ва услубий ифодаланиши</b> Абдуллаев А .....	320